**УТВЕРЖДЕНО**
на заседании Наблюдательного совета АО "Мубарек нефтегазмонтаж"
Протокол № 1

от «12» «февраля» 2021 г.

# ПОЛОЖЕНИЕ
## о применении ключевых показателей эффективности для оценки деятельности исполнительного органа АО "Мубарекнефтегазмонтаж"

## I. Общие положения

1. Настоящее Положение разработано в соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 09 декабря 2020 года № 775 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы оценки эффективности деятельности исполнительного органа государственных предприятий» определяет критерии оценки эффективности деятельности АО "Мубарекнефтегазмонтаж" (далее — Общество), а также входящих в его состав дочерних унитарных предприятий (далее-сводное).

2. Ключевые показатели эффективности (далее — КПЭ) представляют собой поддающиеся количественному измерению оценочные критерии, используемые для определения эффективности деятельности исполнительного органа Общества, являются обязательными для расчета и опубликования на специальном сайте Агентства по управлению государственными активами» (далее — Агентство).

3. Критерии оценки эффективности включают в себя ключевые показатели эффективности, отражающие экономическую, энергетическую, производственную, инновационную эффективность и прочие показатели, рассчитываемые на основе финансовой отчетности составленной по национальным стандартам бухгалтерского учета и международным стандартам финансовой отчетности

4. Для целей проведения оценки каждому КПЭ присваивается удельный вес, отражающий его значимость для организации. Совокупный удельный вес всех применяемых в Обществе КПЭ

**ТАСДИҚЛАНГАН**
"Муборакнефтегазмонтаж" акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг йиғилишида
баённома № 1
“12” февраль 2021 й.

# “Муборакнефтегазмонтаж” АЖ ижро органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини қўллаш тўғрисидаги НИЗОМ

## I. Умумий қоидалар

1.Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 декабрдаги «Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 775 сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда “Муборакнефтегазмонтаж” акциядорлик жамияти (кейинчалик—жамият) ва унинг таркибий тузилмасига кирувчи шуъба корхоналар (кейинчалик—бирлаштирилган) фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини белгилайди.

2. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (кейинги ўринларда СМК деб аталади) жамиятнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган баҳолаш мезонларининг миқдорий ўлчовидан иборат бўлиб, СМКни ҳисоблаш ва Давлат активларини бошқариш Агентлигига (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) тақдим этиш учун мажбурий ҳисобланади.

3. СМК рўйхати бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари асосида тузилган молиявий ҳисоботлардан олинган жамият фаолиятининг иқтисодий, энергетика, ишлаб чиқариш, инновацион самарадорлиги кўрсаткичларини ва самарадорликнинг бошқа кўрсаткичларини ўз ичига олади.

4. Баҳолаш мақсади учун ҳар бир СМКга унинг ташкилот учун аҳамиятини акс эттирувчи салмоқ ўлчови белгиланади. Ташкилотга нисбатан татбиқ этиладиган барча СМК салмоқ ўлчовлари жами 100 фоизни ташкил қилади. Ҳар бир СМКнинг салмоқ ўлчови, унинг

| | |
|---|---|
| составляет 100 процентов. Удельный вес каждого КПЭ устанавливается решением Наблюдательного совета Общества с учетом значимости для ее деятельности. | ташкилот фаолияти учун аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, ташкилотнинг Кузатув кенгаши қарори билан белгиланади. |
| 5. Ключевые показатели эффективности, рассчитываемые по международным стандартам финансовой отчетности применяются только после перехода к публикации отчетности по международным стандартам финансовой отчетности. | 5. Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиш тартибига ўтгач, халқаро молиявий ҳисобот стандартларига асосида ҳисобланган жамият фаолиятининг самарадорлиги кўрсаткичларини қўллаши мумкин. |
| 6. При применении Ключевых показателей эффективности, рассчитываемых по международным стандартам, удельный вес показателей пересчитывается с учетом дополнительных показателей. | 6. Жамият халқаро стандартлар асосида ҳисобланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини қўллаганида, кўрсатгичларнинг салмоқ ўлчови қўшимча кўрсатгичларни инобатга олиб, қайта ҳисобланади. |
| 7. Периодичность расчета КПЭ является ежеквартальной в зависимости от специфики деятельности Общества и устанавливается решением Наблюдательного совета. | 7. СМКни ҳисоблашнинг даврийлиги жамият фаолиятининг хусусиятларига боғлиқ ҳолда ҳар чоракда бир марта ҳисобланади ва ташкилотнинг Кузатув кенгаши қарори билан белгиланади. |
| 8. Перечень КПЭ устанавливается исходя из отраслевой принадлежности, стратегии развития и специфики деятельности Общества, которое де-факто является компанией владеющим 100% активами образованных им 5 дочерних предприятий, в уставные фонды которых Общество инвестировало почти 96% своих активов. | 8. СМК коэффициентлари рўйхати фаолиятнинг тармоқ бўйича мансублигидан ва хусусиятларидан, ривожланиш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, ҳақиқатда ушбу жамият унинг 100% иштирокида ташкил этилган 5 та шуъба корхоналарнинг бошқарув органи ҳисоблангани ва жамият активларининг 96% ушбу корхоналар устав фондига киритилган активлардан иборат эканлигини инобатга олинган ҳолда белгиланади. |
| АО «Мубарекнефтегазмонтаж» само не осуществляет производственной деятельности, а по сути, является управляющей компаний для 5 дочерних предприятий являющихся юридическими лицами, наделенными имуществом Общества с правом хозяйственного ведения. | “Муборакнефтегазмонтаж” АЖ ўзи ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширмайди, у ўзи ташкил этган, алоҳида юридик шахс сифатида фаолият кўрсатаётган, мол—мулкдан хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида фойдаланаётган 5 та шуъба корхонанинг бошқарувчи компанияси ҳисобланади. |
| 9. Перечень КПЭ и их прогнозные показатели утверждается решением Наблюдательного совета общества. Изменения в их состав и прогнозные значения тоже вносятся решением Наблюдательного совета | 9. СМК рўйхати ва уларнинг меъёрий миқдорлари жамият Кузатув кенгаши қарори билан тасдиқланади. Уларнинг таркибига ва меъёрий миқдорларига ўзгариш киритиш ҳам жамият Кузатув кенгаши қарори билан амалга оширилади. |
| 10. Внесение изменений в данное Положение или принятие Положения в новой редакции осуществляется с соответствующего решения Наблюдательного совета Общества. | 10. Ушбу Низомга ўзгартириш киритиш ёки ушбу Низомни янги таҳрирда қабул қилиш Кузатув кенгаши қарори асосида амалга оширилади |
| **II. Расчет показателей** | **II. Кўрсаткичларни ҳисоблаш.** |
| 11. Источником информации для расчета КПЭ являются имеющиеся у Общества данные, содержащиеся в:<br>- документах бухгалтерского учета;<br>- отчетности, представляемой в государственные органы (финансовой, статистической, налоговой и др.);<br>- бизнес-плане; | 11. Қуйидагилар СМКни ҳисоблашнинг ахборот манбаи ҳисобланади:<br>- ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби хужжатларидаги |

- других материалах, полученных или разработанных в установленном порядке.

12. Общество вправе привлечь для осуществления расчета КПЭ организацию (консультанта).

13. Правильность и достоверность расчета КПЭ подтверждаются руководителем Общества.

14. Расчет КПЭ осуществляется по правилам согласно методических рекомендаций, приведенных в постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 09 декабря 2020 года № 775 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы оценки эффективности деятельности исполнительного органа государственных предприятий».

## III. Прогнозные (целевые) значения КПЭ

15. Прогнозные (целевые) значения КПЭ для каждого периода отражаются в бизнес-плане в качестве отдельного приложения, которое является его неотъемлемой частью.

16. Прогнозные (целевые) значения КПЭ устанавливаются Наблюдательным советом Общества исходя из фактических условий деятельности с учетом нормативного значения, установленного законодательством. В случае, если для показателя законодательством не предусмотрено нормативное значение, то для определения прогнозного (целевого) значения может привлекаться организация (консультант).

17. Наблюдательный совет Общества может по истечении очередного квартала производить корректировку прогнозных (целевых) значений КПЭ.

18. В случае, если корректировка прогнозных (целевых) значений КПЭ вызвала необходимость перерасчета ранее осуществленных выплат, то такой перерасчет осуществляется в порядке, предусмотренном настоящим Положением.

## IV. Использование и мониторинг показателей оценки.

19. Полученные путем расчета значения КПЭ соотносятся с их прогнозными (целевыми) значениями, установленными бизнес-планом, в виде процентного соотношения расчетного и целевого значения

маълумотлар;

- давлат органларига тақдим этиладиган ҳисоботлар (молиявий, статистик, солиқ ҳисоботлари ва бошқалар)даги маълумотлар;

- бизнес-режадаги маълумотлар;

- белгиланган тартибда олинган ёки ишлаб чиқилган бошқа материаллардаги маълумотлар.

12. Жамият СМКни ҳисоблашни амалга ошириш учун бошқа ташкилот (консультант)ни жалб қилишга ҳақлидир.

13. СМКни ҳисоблашнинг тўғрилиги ва ишончлилиги жамиятнинг раҳбари томонидан тасдиқланади.

14. СМКни ҳисоблаш Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 декабрдаги «Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 775 сон қарорида келтирилган методик қўлланмада кўрсатиб ўтилган тартибда амалга оширилади.

## II. СМКнинг прогноз (мақсадли) кўрсаткичлари.

15. СМКнинг прогноз (мақсадли) кўрсаткичлари ҳар бир давр учун бизнес-режада, унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида илова сифатида акс эттирилади.

16. СМКнинг прогноз (мақсадли) кўрсаткичлари жамият кузатув кенгаши томонидан ҳақиқий фаолият шароитларидан келиб чиқиб, қонунчиликда белгиланган меъёрий миқдор даражасида белгиланади. Агар қонунчиликда кўрсаткичлар учун меъёрий миқдор назарда тутилмаган бўлса, прогноз (мақсадли) кўрсаткични аниқлаш учун бошқа ташкилот (консультант) жалб этилиши мумкин.

17. Жамиятнинг Кузатув кенгаши навбатдаги чорак тугагандан сўнг СМКнинг прогноз (мақсадли) кўрсаткичларига тузатиш киритиши мумкин.

18. Агар СМКнинг прогноз (мақсадли) кўрсаткичига тузатиш киритиш илгари амалга оширилган тўловларни қайта ҳисоблашга зарурат туғдирса, у ҳолда бундай қайта ҳисоблаш ушбу Низомда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

## III. Баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланиш ва уларнинг мониторинги.

(далее — процент выполнения).

20. Средневзвешенное значение по всем КПЭ обозначается как интегральный коэффициент эффективности деятельности исполнительного органа (далее — ИКЭ).

21. На основании требований 3 пункта постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан № 775 от 09.12.2020 года “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы оценки эффективности деятельности исполнительного органа государственных предприятий” эффективность деятельности исполнительного органа общества оценивается по следующему:

$$\textbf{ВИОУ}_i = \textbf{ВИОП}_i * \textbf{ИКЭФ}_{i-1} * \textbf{ПК}_i \quad \text{где:}$$

$ВИОУ_i$ - размер вознаграждения руководителя и членов исполнительного органа устанавливаемый для некоторого i-го периода, который может быть начислен для i-го периода;

$ВИОП_i$ - размер вознаграждения руководителя и членов исполнительного органа, который был ранее спланирован бизнес-планом для i-го периода (5% от размера прогнозного значения чистой прибыли за текущий период деятельности предприятия)

$ИКЭФ_{i-1}$ – ИКЭ фактически полученное за i-1-й период;

$ПК_i$ - поправочный коэффициент, устанавливаемый исходя из фактического участия исполнительного органа в формировании результатов деятельности предприятия (при этом, за выполнении прогнозных значений чистой прибыли в размере 100% и более применяется коэффициент 1, при выполнении прогнозных значений чистой прибыли в размере ниже 100% применяется коэффициент 0).

i – обозначение текущего периода, для которого определяется сумма (авансового) вознаграждения исполнительного органа по результатам его деятельности за предыдущий период, обозначаемый как i-1, который считается отчетным и для которого проводится анализ фактически полученных КПЭ и ИКЭ.

22. В случае, если фактическое значение КПЭ оказалось ниже установленного законодательством нормативного значения, по решению Наблюдательного совета к руководителю исполнительного органа применяются меры ответственности в соответствии с законодательством.

23. По решению Наблюдательного совета эффективность

19. Ҳисоблаш йўли билан олинган СМК миқдорлари уларнинг бизнес-режада белгиланган прогноз (мақсадли) миқдорлари билан ҳисобланган ва мақсадли миқдорнинг фоизли нисбати тарзида (кейинги ўринларда бажариш фоизи деб аталади) таққосланади.

20. Барча СМК бўйича ўртача ҳисобланган миқдор ташкилотнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи (кейинги ўринларда СЙК деб аталади) сифатида ифодаланади.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9-декабрдаги 775-сонли “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорининг 3-бандига асосан жамият Бошқарув органи самарадорлик муҳим кўрсатгичлари бўйича белгиланган баҳоланиш мезонларидан келиб чиқиб, қуйидагича мукофотланадилар:

**ВИОУi = ВИОПi * ИКЭФi-1 * ПКi** , бунда:

ВИОУi - бирор i-давр учун жамият бошқаруви раиси ва аъзолари учун ҳисобланиши белгиланган тақдирлаш суммаси;

ВИОПi – бошқаруви раиси ва аъзолари учун бирор i-даврга мўлжалланган бизнес режада кўзда тутилган мукофот миқдори (жамиятнинг жорий давр учун прогноз килинган соф фойданинг 5% микдорида);

ИКЭФi-1 - бирор i-1-давр давомида эришилган ҳақиқатдаги самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи (СЙК);

ПКi - ижро этувчи органнинг ташкилот фаолияти натижаларини шакллантиришдаги ҳақиқий иштирокидан келиб чиқиб, қўлланиладиган тузатиш коэффициенти. (бунда соф фойда кўрсатгичи прогноз кўрсатгичдан 100 фоиз ва ундан юқори бўлса 1 коэффицент, агар 100 фоиздан паст бўлса 0 коэффицент қўлланилади.)

i – жорий даврни белгиловчи қиймат.

22. Агар СМКнинг ҳақиқий миқдори қонунчиликда белгиланган меъёрий миқдордан паст бўлса, Кузатув кенгаши қарорига асосан ижро этувчи орган раҳбарига нисбатан қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик чоралари кўрилади.

23. Кузатув кенгаши қарорига асосан ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги қуйидагича эътироф этилади:

| | |
|---|---|
| деятельности исполнительного органа признается:<br><br>неудовлетворительной — если значение ИКЭ составило менее 40 процентов;<br>низкой — если значение ИКЭ составило от 40 до 60 процентов (включительно);<br>недостаточной — если значение ИКЭ составило от 60 до 80 процентов (включительно);<br>средней — если значение ИКЭ составило от 80 до 90 процентов (включительно);<br>достаточной — если значение ИКЭ составило от 90 до 100 процентов (включительно);<br>высокой — если значение ИКЭ превысило 100 процентов.<br><br>24. Не допускаются установление надбавок, выплата премий и иных материальных поощрений в Обществе без проведения оценки эффективности деятельности исполнительного органа либо, если его эффективность является неудовлетворительной или низкой.<br>25.Если в течении двух кварталов подряд эффективность является неудовлетворительной или низкой, и/или не будет проводится оценки эффективности деятельности исполнительного органа, или его результат не будет размещен на официальном веб.сайте Агентства (kpi.davaktiv.uz), то это приводит к выходу с инициативой расторжения трудовых отношений с исполнительным органом<br>26. Расчетные значения КПЭ, проценты выполнения ИКЭ публикуются в установленном порядке на официальном веб-сайте общества и представляются акционерам по их письменному запросу.<br>27. Для ведения системного мониторинга эффективности деятельности исполнительного органа Общество представляет в Агентство путем заполнения соответствующей формы на официальном веб-сайте Агентства:<br>по итогам I квартала, полугодия, девяти месяцев — в срок не позднее 30 числа месяца, следующего за отчетным;<br>по итогам года — не позднее 1 марта года следующего за отчетным годом.<br><br>**V. Проверка и экспертиза показателей оценки.** | СЙК миқдори 40 фоиздан кам бўлса — қониқарсиз;<br>СЙК миқдори 40 фоиздан 60 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса — паст даражада;<br>СЙК миқдори 60 фоиздан 80 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса — етарли даражада эмас;<br>СЙК миқдори 80 фоиздан 90 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса — ўртача даражада;<br>СЙК миқдори 90 фоиздан 100 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса — етарли даражада;<br>СЙК миқдори 100 фоиздан ошса — юқори даражада.<br><br>24. Жамиятда ижро этувчи орган фаолияти самарадорлигини баҳоламасдан ёки уларнинг фаолияти қониқарсиз ёки паст даражада деб эътироф этилган тақдирда устамалар белгилашга, мукофот пули ва бошқа моддий рағбатлантиришлар тўлашга йўл қўйилмайди.<br>25. Ижро этувчи органнинг фаолият самарадорлиги кетма-кет икки чорак мобайнида қониқарсиз ёки паст даражада (ҳар қандай уйғунликда) ва/ёки умуман баҳоланмаган бўлса, ёхуд унинг натижалари Агентлик расмий веб-сайти (kpi.davaktiv.uz)да жойлаштирилмаган бўлса, бу ижро этувчи орган раҳбари билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ташаббуси билан чиқишга олиб келади<br>26. СМКнинг ҳисобланган миқдорлари, СЙКни бажариш фоизлари белгиланган тартибда ташкилотнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади ва акциядорларга уларнинг ёзма сўрови бўйича тақдим этилади.<br>27. Ижро этувчи орган фаолияти самарадорлигининг тизимли мониторингини ташкил этиш мақсадида, жамият Агентликнинг расмий веб-сайтидаги тегишли шаклни тўлдириш йўли билан, қуйидагича тақдим этади:<br>I чорак, ярим йиллик ва тўққиз ой якуни бўйича — ҳисобот давридан кейинги ойнинг 30-санасигача;<br>йил якуни бўйича — ҳисобот давридан кейин 1 мартдан кечиктирмай.<br><br>**V. Баҳолаш кўрсаткичларини текшириш ва экспертизадан ўтказиш.** |

| | |
|---|---|
| 28. Расчет значений КПЭ, ИКЭ и процентов их выполнения по итогам года подлежит проверке аудиторской организацией путем оказания профессиональных консалтинговых услуг в рамках отдельного дополнительного предмета договора о проведении аудита по итогам года. | 28. СМК, СЙК ва уларнинг йил якунлари бўйича бажариш ҳисоби аудиторлик ташкилоти томонидан, йил якунлари бўйича аудит ўтказиш тўғрисидаги шартноманинг алоҳида қўшимча предмети доирасида, профессионал консалтинг хизматлари кўрсатиш йўли билан текширилади. |
| 29. Отчет аудиторской организации об оказании профессиональных консалтинговых услуг по проверке расчетов значений КПЭ, ИКЭ и процентов их выполнения рассматривается вместе с результатами деятельности организации за отчетный год на общем собрании акционеров по итогам года. | 29. Аудиторлик ташкилотининг СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича аудиторлик ташкилотининг профессионал консалтинг хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги ҳисоботи жамиятнинг ҳисобот йилидаги фаолияти натижалари билан бирга акциядорлар йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқилади. |
| 30. По результатам проверки, проведенной аудиторской организацией, в ранее рассчитанные значения КПЭ, ИКЭ и процентов выполнения вносятся необходимые уточнения. В случае, если результатом внесенных уточнений в значения КПЭ, ИКЭ и процентов выполнения явилось: | 30. Аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра, илгари ҳисобланган СМК, СЙК миқдори ва уларнинг бажарилиш фоизларига зарур аниқликлар киритилади. Агар СМК, СЙК миқдорига ва уларнинг бажарилиши фоизларига киритилган аниқлаштиришлар натижасида: |
| - улучшение их значений, влекущее доначисление причитающихся выплат, то причитающаяся руководителям и членам исполнительного органа Общества положительная разница в выплатах корректируется при выплате им вознаграждения по итогам работы за отчетный год; | - жамиятнинг ижро этувчи органи раҳбарларига ва аъзоларига тўланадиган тўловлар миқдорини яхшилаш учун уларни қўшимча равишда ҳисоблаб чиқиш зарурлиги аниқланганда мазкур ижобий фарқ ҳисобот йилидаги иш якунлари бўйича уларга тўланадиган рағбатлантириш пуллари тўланаётганда тўғриланади; |
| - ухудшение их значений, влекущее необходимость удержания переплаченной части выплат, то отрицательная разница в выплатах, ранее осуществленных руководителям и членам исполнительного органа Общества, корректируется при выплате им вознаграждения по итогам работы за отчетный год либо вычитается из заработной платы или возмещается иным способом в порядке, установленном законодательством. | - ортиқча тўланган тўловларни ушлаб қолиш заруриятини келтириб чиқарувчи ҳолат аниқланганда, жамиятнинг ижро этувчи органи раҳбарларига ва аъзоларига илгари тўланган тўловлардаги салбий фарқ ҳисобот йилидаги иш якунлари бўйича уларга рағбатлантириш пуллари тўланаётганда тузатилади ёки уларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади ёхуд қонунчиликда белгиланган бошқа усулда қопланади. |
| 31. Рассчитанные значения КПЭ, ИКЭ и процентов их выполнения могут быть также подвергнуты экспертизе на основании решения суда в порядке, установленном законодательством. Установленные экспертизой несоответствия, приводящие к уточнению значений КПЭ, ИКЭ и процентов выполнения, влекут перерасчет выплат, предусмотренный настоящим Положением, и ответственность виновных лиц, допустивших несоответствия. | 31. Ҳисобланган СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизлари қонунчиликда белгиланган тартибда, суд қарорига асосан экспертизадан ўтказилиши ҳам мумкин. СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг тўғрилиги бўйича экспертиза натижаларига кўра мос келмаган ҳолатлар ушбу Низомда назарда тутилган тўловларни қайта ҳисоблашга ва номувофиқликка йўл қўйган шахсларга нисбатан жавобгарликка олиб келади. |
| **VI. Заключительные положения** | **VI. Якунловчи қоидалар** |
| 32. Контроль за соблюдением требований настоящего Положения | |

| | |
|---|---|
| в деятельности организации осуществляется Наблюдательным советом Общества.<br>33. Споры, связанные с применением настоящего Положения, разрешаются в порядке, установленном законодательством.<br>34. Лица, виновные в нарушении требований настоящего Положения, несут ответственность в порядке, установленном законодательством. | 32. Жамият фаолиятида ушбу Низом талабларига риоя қилиниши юзасидан назорат жамият Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.<br>33. Ушбу Низомнинг қўлланиши билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.<br>34. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар. |